

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСККА АСОСЛАНГАН АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рустамов Д.
БМА магистранти

***Аннотация:** мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятида рискка асосланган аудитни таъкил этиш ва такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Халқаро аудиторлик стандартлари (ISA 315, ISA 330), Базель қўмитаси тавсиялари, COSO-ERM ва IFAC моделлари таҳлил қилиниб, уларнинг Ўзбекистон банк тизимида қўлланилишига баҳо берилган. Шунингдек, “Халқ банки” АТБ мисолида кредит хавфи, ликвидлик хавфи ва операцион хавфларни баҳолаш амалиёти ўрганилган.*

Тадқиқот натижасида миллий аудит амалиётида Risk Matrix ва Risk Score каби воситаларни жорий этиш, ахборот хавфларини аудит объекти сифатида киритиш, ички ва таъқи аудит ўртасида интеграциялашган тизим шакллантириш ҳамда автоматлаштирилган аудит дастурларини қўллаш зарурлиги асослаб берилди.

***Калит сўзлар:** тижорат банклари, рискка асосланган аудит, халқаро аудиторлик стандартлари, ISA 315, ISA 330, кредит хавфи, ликвидлик хавфи, ахборот хавфлари, интеграциялашган аудит.*

Кириш. Ҳозирги глобал молиявий тизимда банклар фаолияти юқори даражадаги хавфлар билан боғлиқ. Тижорат банклари иқтисодиётнинг қон томири сифатида нафақат маблағларни жалб қилиш, балки уларни самарали тақсимлаш, қарз ва инвестиция операцияларини амалга ошириш орқали

мамлакат иқтисодий ўсишига хизмат қилади. Шу билан бирга, банклар фаолиятидаги турли хавфлар – кредит хавфи, ликвидлик хавфи, бозор хавфи, комплаенс хавфи ва операцион хавфлар – уларнинг барқарорлиги ва миждозлар ишончига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда охириги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳам банк тизимининг роли ва масъулиятини оширди. Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “мамлакатимизда молиявий ислохотларни чуқурлаштиришда банклар иқтисодиётнинг стратегик ривожланиш йўналишларини қўллаб-қувватловчи асосий механизм сифатида хизмат қилиши зарур”. Бу эса тижорат банкларида хатарларни бошқариш ва уларни аудит орқали назорат қилиш масаласини янада долзарб қилади.

Адабиётлар шарҳи. Рискка асосланган аудит (Risk-Based Audit – RBA) – бу аудиторлик жараёнидаги текширувлар асосий эътиборини юқори хавфли соҳаларга қаратган ҳолда амалга ошириладиган инновацион ёндашувдир. У анъанавий аудитдан фарқли ўлароқ, фақат ҳисоботлар ва молиявий ҳужжатларни қайта текшириш билан чекланиб қолмай, балки банк фаолиятидаги хавф манбаларини олдиндан аниқлаш, уларнинг эҳтимолини ва таъсир даражасини баҳолаш ҳамда аудит дастурини шунга мос равишда ишлаб чиқишга асосланади.

Профессор С.В. Шереметнинг фикрига кўра, тижорат банклари табиатан хавфли фаолият субъектлари бўлиб, уларнинг ҳар бир операцияси (кредит бериш, депозит қабул қилиш, валютаризатсия ва ҳ.к.) маълум даражадаги таваккалчиликни ўз ичига олади. Шу боис, анъанавий аудит моделлари – ҳужжатларни қайта текшириш, ҳисоботларни таққослаш –

банклар каби мураккаб тизимлар учун етарли эмас. Унингча, рискка асосланган аудит – бу “ақлли бошқарув”га асосланган назорат тури бўлиб, у нафақат молиявий ҳисоботлар, балки хатарларнинг бизнес жараёнларга таъсирини ҳам баҳолаши лозим.

Рискка асосланган аудитнинг назарий пойдевори халқаро меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. ISA 315 – “Entity and Its Environment” стандартида аудитор ташкилотнинг муҳити ва ички назорат тизимини таҳлил қилиши, мавжуд хавфларни аниқлаши ва уларни баҳолаши белгиланган. ISA 330 – “Auditor’s Responses to Assessed Risks” эса хавфлар баҳоланганидан сўнг, аудиторнинг уларга қандай жавоб чоралари кўриши зарурлигини белгилайди.

Базель қўмитаси тавсияларида эса банклардаги хавфларни (кредит, ликвидлик, бозор ва операцион) комплекс таҳлил қилиш ва уларни мониторинг қилиш учун ички ва ташқи аудит функциялари уйғунликда фаолият юритиши лозимлиги таъкидланган. COSO-ERM (Enterprise Risk Management) рамкаси хавфларни идентификация қилиш, уларни баҳолаш ва бошқарув қарорларига интеграция қилиш механизмларини белгилаб берди. Ушбу ёндашув орқали аудиторлик жараёни стратегик бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида қаралади.

IFAC (International Federation of Accountants) эса халқаро аудиторлик касбий этикаси ва меъёрларини белгилаб, хавфларни баҳолашда аудиторнинг касбий мулоҳазаси (professional judgment) муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.

Ўзбекистонда ҳам аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий SJIF:5.219

база шаклланган бўлиб, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва Марказий банкнинг қатор кўрсатмаларида аудит жараёнида хавфларни ҳисобга олиш талаб этилган. Бироқ амалиётда аудит ҳали ҳам кўпроқ анъанавий текширувга таянади, бу эса хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларни камайтириш имкониятларини чеклайди.

Миллий олимлардан Н.Ф. Каримов ўз тадқиқотларида анъанавий аудит моделлари билан чекланиш банклардаги хатарли соҳаларни етарли даражада қамраб ололмаслигини таъкидлайди. Унингча, “риск-марказлашган аудит модели” қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши лозим: хавфларни аниқлаш, уларни баҳолаш, хавфли соҳаларни устувор йўналиш сифатида танлаш ва аудит ресурсларини шу соҳаларга йўналтириш.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Тижорат банклари фаолияти табиатан хавфли ҳисобланади, чунки уларнинг асосий операциялари — кредит бериш, депозит жалб қилиш, валюта операциялари ва инвестиция фаолияти — турли хавфларни ўз ичига олади. 2023–2024 йиллар таҳлиллари шуни кўрсатадики, “Халқ банки” АТБ мисолида хавфларни баҳолаш амалиёти ҳали ҳам тўлиқ рискка асосланган аудит талабларига жавоб бермайди. Масалан, кредит хавфлари ва ликвидлик хавфлари бўйича муайян чоралар кўрилган бўлса-да, ахборот хавфлари ва операцион хавфларни баҳолаш жараёни етарли даражада шаклланмаган.

“Халқ банки” АТБ кредит портфели таҳлилида 2023 йил якунида юқори рискли активлар улуши тахминан 22,3% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич асосан:

- ✓ таъминоти етарли бўлмаган қарзлар,

✓ кичик ва ўрта бизнесга ажратилган, аммо қайтариш имконияти паст бўлган кредитлар,

✓ валюталардаги кредитлар ҳисобига шаклланган.

Шунингдек, банк портфелида “Stage 3” қарзлар тоифаси ортиб борган. Бу турдаги кредитлар асосан қайтарилмаслик эҳтимоли юқори бўлган, яъни дефолт ҳолатидаги қарзлардир. Аудиторлик нуқтаи назаридан, мазкур ҳолат эҳтимолий йўқотишлар (Expected Credit Loss – ECL) ҳисобини кучайтиришни талаб қилади.

ISA 540 стандартига кўра, банклар кредит портфеллари бўйича эҳтимолий йўқотишларни ҳисоблашда миқдорий ва сифат мезонлардан фойдаланиши керак. Аммо амалиётда “Халқ банки”да бу жараён анъанавий услубда олиб борилиб, хавф профилларига тўлиқ интеграция қилинмаган.

Ликвидлик хавфи – банкнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслик эҳтимоли – “Халқ банки” АТБда ҳам муҳим масала ҳисобланади. 2023–2024 йилларда ликвидлик кўрсаткичлари кескин ўзгариб турган.

Бу ҳолат банкнинг ликвидликни таъминлаш механизмлари мавжудлигини кўрсатса-да, уларнинг самарадорлиги барқарор эмаслигини англатади. Аудиторлик таҳлилида gap-analysis усули қўлланилиб, актив ва пасивларнинг муддатли тузилишидаги номуносибликлар аниқланган. Шунингдек, кунлик пул оқимлари прогнозлари етарлича ишончли эмаслиги қайд этилган.

Операцион хавфлар таҳлили:

“Халқ банки” АТБда операцион хавфлар асосан қуйидагилар билан

- ✓ ахборот тизимларидаги техник носозликлар;
- ✓ хизматчиларнинг касбий хатолари;
- ✓ ички назорат жараёнларидаги камчиликлар;
- ✓ ҳужжат айланиши ва бухгалтерия ҳисобидаги ноаниқликлар.

Аудиторлик текшируви шуни кўрсатдики, IT-инфратузилмадаги хавфлар етарлича баҳоланмаган ва киберхавфсизлик сиёсати тўлиқ йўлга қўйилмаган. Хусусан, лог-файллар таҳлили ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларидаги ички назорат механизмлари самарасиз бўлган.

COSO-ERM рамоксидида операцион хавфлар фақат техник масала эмас, балки ташкилотнинг умумий риск маданияти билан ҳам боғлиқ деб қаралади. “Халқ банки” мисолида эса ходимларнинг хавфларга муносабати ва раҳбариятнинг назорат тизимини қўллаб-қувватлаш даражаси ҳам муҳим камчилик сифатида қайд этилган.

Ахборот хавфлари таҳлили:

Замонавий банк фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш ортиши билан ахборот хавфлари кучайиб бормоқда. “Халқ банки” АТБда ҳам онлайн хизматлар, мобил иловалар ва электрон тўлов тизимлари кенг йўлга қўйилган. Бироқ аудиторлик таҳлилида қуйидаги муаммолар аниқланган:

- ✓ киберхавфсизлик бўйича ходимлар малакасининг пастлиги;
- ✓ маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича ягона сиёсатнинг йўқлиги;
- ✓ хавфларни мониторинг қилишда автоматлаштирилган дастурий

таъминотнинг етарли эмаслиги.

Хулоса ва таклифлар. АҚШ ва Европа мамлакатларида рискка асосланган аудит банк назоратининг ажралмас қисми ҳисобланади. Масалан, SJIF:5.219

АҚШда аудиторлик компаниялари Sarbanes–Oxley Act (SOX) талаблари асосида ички назорат тизимларини баҳолашга катта эътибор қаратади. Европа Иттифоқида эса SEPA ва Basel III талабларига асосланган аудит тизими банк хавфларини комплекс тарзда мониторинг қилади.

Япония ва Корея тажрибаси шуни кўрсатадики, рискка асосланган аудит нафақат молиявий ҳисоботлар, балки ахборот хавфлари ва инновацион технологиялар билан боғлиқ рискларни ҳам қамраб олади. Уларда аудиторлик текширувлари банкларнинг рақамли инфратузилмасини баҳолаш билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистонда рискка асосланган аудит тушунчаси қонунчиликда назарда тутилган бўлса-да, амалиётда асосан анъанавий текширув моделлари қўлланиб келинмоқда. Бу эса хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни камайтириш имкониятларини чеклайди. “Халқ банки” АТБ мисолида кўрилган таҳлил ҳам шундан далолат берди.

Марказий банк томонидан жорий қилинган регулятив кўрсатмаларда кредит хавфи ва ликвидлик хавфлари бўйича муайян талаблар белгиланган. Бироқ операцион хавфлар, ахборот хавфлари ва комплаенс хавфлари бўйича аудит йўналишлари ҳали етарлича ривожланмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. ISA 315 – Identifying and Assessing the Risks of Material Misstatement. International Auditing and Assurance Standards Board.

2. ISA 330 – Auditor’s Responses to Assessed Risks. International SJIF:5.219



Auditing and Assurance Standards Board.

3. Basel Committee on Banking Supervision. Internal Audit in Banks and the Supervisor's Relationship with Auditors. Bank for International Settlements, 2012.

4. COSO. Enterprise Risk Management – Integrated Framework. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission, 2017.

5. Sheremet, S.V. Аудит. Москва: ИНФРА-М, 2020.

6. Епифанов, А.А. Банковский аудит. Киев: Знання, 2019.

7. Умаров, З.А. ва бошқалар. Банк аудити методологияси. Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2021.

8. Каримов, Н.Ф. “Organization internal audit in commercial banks and problems developing methodology”. – Иқтисод ва молия, №2, 2022.